



## О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 19 » dekabr

№ 716

Toshkent sh.

### **Асосий турдаги озиқ-овқат ва зарур маҳсулотлар нархлари барқарорлигини таъминлаш ҳамда маҳсулотлар хавфсизлиги ва сифатини тизимли назорат қилиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъмол бозорларида нархлар барқарорлигини таъминлашга ва монополияга қарши чораларнинг таъсирчанлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 31 майдаги ПФ-145-сон Фармонига асосан аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат ва зарур маҳсулотлар билан таъминлашни ташкил этиш, уларнинг хавфсизлиги ва сифатини тизимли назорат қилиш ҳамда ушбу маҳсулотлар нархларининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Истеъмол бозорларида нархлар барқарорлигини таъминлаш, асосий турдаги озиқ-овқат ва зарур маҳсулотлар нархларининг кескин тебраниши даврида асоссиз оширилмаслиги бўйича назорат ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 31 майдаги ПФ-145-сон Фармони билан Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг хузуридаги Истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш агентлигига:

рақобат қонунчилиги талаблари бузилган ҳолатларда хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва юридик шахслар бирлашмаларига ижро этилиши мажбурий бўлган тақдимнома ёки кўрсатма бериш;

ташкилий-хуқуқий шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларнинг биноларига бевосита кириш ҳамда омбордаги мавжуд захираларни хатловдан ўтказиш;

инсон саломатлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки учун хавфлилиги ва сифатсизлиги аниқланган товарларни ишлаб чиқариш, республика ҳудудига импорт қилиш, реализация қилишни тўхтатиш, муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан мажбурий равишда қайтариб олиш тўғрисида ишлаб чиқарувчи ва сотувчиларга кўрсатмалар киритиш ва шу каби бошқа қўшимча ваколатлар берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагиларни назарда тутувчи:

а) Асосий турдаги озиқ-овқат ва зарур маҳсулотлар нархларининг кескин тебраниши даврида асоссиз оширилмаслиги бўйича тизимли назорат ўрнатиш ва зарур чоралар кўриш тартиби тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ:

асосий турдаги товарлар (маҳсулотлар) нархларининг ўзгариши динамикасини мониторинг қилиш, уларнинг тебранишига таъсир этган омилларни ва уларнинг келиб чиқиши сабабларини таҳлил қилиш;

ваколатли орган томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг омбордаги товарлари (маҳсулотлари) мавжуд захираларини хатловдан ўтказиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тақдимнома ва кўрсатмалар бериш;

**б) Инсон саломатлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки учун хавфлилиги ва сифатсизлиги аниқланган товарларни ишлаб чиқариш, республика худудига импорт қилиш, реализация қилишни тўхтатиш, муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан мажбурий равишда қайтариб олиш тўғрисида ишлаб чиқарувчи ва сотувчиларга кўрсатмалар бериш тартиби ҳақидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин:**

товарларнинг хавфлилиги ва сифатсизлигини белгиланган тартибда аниқлаш ва ваколатли орган томонидан уларни хавфли ёки сифатсиз деб топиш ҳақида далолатнома расмийлаштириш;

товарнинг хавфлилиги ёки сифатсизлиги аниқланган тақдирда, ваколатли орган томонидан ишлаб чиқарувчи ва сотувчиларга бажарилиши мажбурий бўлган тегишли кўрсатма бериш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъмол бозорларида нархлар барқарорлигини таъминлашга ва монополияга қарши чораларнинг таъсиранлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 31 майдаги ПФ-145-сон Фармони билан Монополияга қарши курашиш қўмитаси марказий аппаратида янги ташкил этилган Истеъмол бозорларида нархларни мониторинг қилиш департаменти фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ асосий воситаларни харид қилиш ва жорий таъмиглаш ишларини Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширишга рухсат берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг З-иловага мувофиқ айrim қарорларига ўзgartириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ушбу қарорнинг моҳияти ва аҳамияти оммавий ахборот воситаларида ҳамда интернет жаҳон ахборот тармоғида аҳоли ўртасида кенг ёритилиши ва тушунтирилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий таракқиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси раиси Ш.Ш. Шарахметов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “19” декабрдаги 716-сон қарорига  
1-илова

**Асосий турдаги озиқ-овқат ва зарур маҳсулотлар нархларининг кескин  
тебраниши даврида асоссиз оширилмаслиги бўйича тизимли назорат  
ўрнатиш ва зарур чоралар кўриш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Асосий турдаги озиқ-овқат ва зарур маҳсулотлар нархларининг кескин тебраниши даврида асоссиз оширилмаслиги бўйича тизимли назорат ўрнатиш ва зарур чоралар кўриш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом қоидалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 ноябрдаги ПҚ-3386-сон қарор билан Юқори ликвидли ва монопол турдаги маҳсулотлар, хом ашё ва материаллар ҳамда ушбу Низомга 1-иловада келтирилган рўйхатлардаги ижтимоий аҳамиятга эга бўлган асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан татбиқ этилади.

3. Мазкур Низомда қуидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ажиотаж талаб** – бозордаги шов-шув ва ваҳима таъсирида сунъий равища пайдо бўладиган ва шиддат билан ортиб борадиган талаб. Ажиотаж талаб таъсирида товар таклифи талабдан орқада қолиб, товарга бўлган талаб сунъий равища ортади, бозор мувозанати бузилади ва товарлар тақчиллиги кучаяди;

**асосий турдаги товарлар** – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 ноябрдаги ПҚ-3386-сон қарори билан тасдиқланган Юқори ликвидли ва монопол турдаги маҳсулотлар, хомашё ва материаллар ҳамда ушбу Низомга 1-иловада келтирилган рўйхатлардаги ижтимоий аҳамиятга эга бўлган асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари;

**ваколатли орган** – Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда қўмита хузуридаги Истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш агентлиги;

**кўрик ўтказиш** – маълумотларни йиғиш, шунингдек, жойига чиқсан ҳолда хўжалик юритувчи субъектлар билан мулоқот қилиш, ушбу мулоқот даврида хўжалик юритувчи субъектлар хатти-харакатларини аудио ва визуал равища кузатиш, зарур ҳолларда фото, аудио ва (ёки) видео тасвирга олиш;

**нархларининг кескин тебраниши** – асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи охирги 30 кунгача бўлган даврда Марказий банкнинг асосий ставкасига teng ёки ундан юқори даражада ошиши;

**сўров** – хўжалик юритувчи субъект, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда фуқаролар томонидан белгиланган муддатда тақдим этилиши лозим бўлган, таҳлил ўтказиш учун зарур маълумот (хужжат, материал)лар рўйхатини ўз ичига олган ёзма талабнома;

**тақдимнома** – асосий турдаги товарлар нархларининг кескин тебраниши даврида ваколатли орган томонидан охирги календарь йилдаги товарлар (хизматлар)ни сотищдан тушган тушумдан қатыи назар, хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва юридик шахслар бирлашмаларига бериладиган ҳамда ижро этилиши мажбурий бўлган ёзма (электрон) ҳужжат;

**таҳлил** – асосий турдаги товарлар нархлари ошишини хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда сўров асосида маълумот олиб ўрганиш ва (ёки) кўрик ўтказиш.

4. Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг кескин тебраниш даври ушбу маҳсулотларнинг нархи охирги 30 кунгача бўлган даврда Марказий банкнинг асосий ставкасига тенг ёки ундан юқори даражада ошганда ёки бозорда ажиотаж талаб юзага келганда, 6 ойгача бўлган муддатга Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

5. Асосий турдаги озиқ-овқат ва зарур маҳсулотлар нархларининг кескин тебраниши даврида ёки бозорда ажиотаж талаб юзага келганда нархларнинг асоссиз оширилмаслиги бўйича тизимли назорат ўрнатиш ва зарур чоралар кўриш ушбу Низомга 2-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

## **2-боб. Асосий турдаги товарлар нархларини мониторинг қилиш**

6. Ваколатли орган асосий турдаги товарлар нархларининг ўзгариши динамикасини кузатиб бориш мақсадида мунтазам равища:

бозорлар, савдо комплексларида, чакана савдо тармоқларида, биржаларда кунлик шаклланган нархлар тўғрисидаги маълумотларни;

статистика ва божхона органлари маълумотларини (маълумот, бюллетень ва бошқаларни);

оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқлардаги маълумотларни;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан маълумотларни тўплаш орқали мониторинг ўтказиб боради.

7.7. Ваколатли орган асосий турдаги товарлар нархларини барқарорлаштириш мақсадида:

асосий турдаги товарларни ишлаб чиқаришдан (импорт қилишдан) бошлаб охирги истеъмолчигача етказиб бериш занжиридаги харажатлар таркибини таҳлил қилган ҳолда харажатларни мақбуллаштириш;

ички бозорда шаклланган охирги уч йиллик кўрсаткичлар асосида асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари талабларининг ўзгаришини таҳлил қиласида келгусида нархлар кескин ошишининг олдини олиш бўйича таклифларни доимий равища ишлаб чиқади.

### **3-боб. Асосий турдаги товарлар нархларининг кескин тебраниши ҳолатларини таҳлил қилиш**

8. Нархларнинг кескин тебраниши ҳолатлари ёки бозорда ажиотаж талаб юзага келганда ваколатли орган томонидан таҳлил ўтказилади.

9. Таҳлил ўтказиш учун қуидагилар асос ҳисобланади:

ваколатли органга келиб тушган ариза;

ваколатли орган томонидан ўтказилган мониторинг натижалари;

ваколатли органнинг таркибий тузилмалари иш режалари;

бевосита ваколатли орган ходимлари томонидан кўрик ўтказиш давомида қонунчилик ҳужжатларининг бузилиши ҳолатлари (белгилари)ни аниқлаш;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлардан тушган ахборот;

оммавий ахборот воситаларидағи маълумотлар;

юқори турувчи ташкилотларнинг топшириқлари.

10. Таҳлил:

хўжалик юритувчи субъектлар, давлат органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва фуқаролардан танишиш учун зарур материаллар ва ҳужжатларни сўраб олиш, улардан нусха кўчириш ҳамда уларни иш материалларига қўшиб кўйиш;

зарур ҳолларда ариза берувчилар, шунингдек, уларга нисбатан ариза берилган хўжалик юритувчи субъект, давлат органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари вакиллари билан сұхбат ўтказиш;

ариза берувчилардан ва уларга нисбатан ариза берилган шахслардан мурожаат қилишга сабаб бўлган ҳолатлар (белгилар) бўйича ёзма ёки оғзаки тушунтиришлар олиш;

зарур ҳолларда аризани олдиндан кўриб чиқиш материаллари бўйича хулосалар ва тушунтиришлар бериш учун эксперталар ёки мутахассисларни жалб этиш, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона кўриб чиқиш мақсадида бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш орқали ўтказилади.

11. Таҳлил мобайнида қонун бузилиши аломатлари аниқланганда, хўжалик юритувчи субъектларда текширувлар ўтказиш (молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда) зарур бўлган ҳолларда, шунингдек, нархларнинг асоссиз ўсиши, келишиб қилинадиган ҳаракатлар ва тил биритириш ҳолатларини аниқлаш учун барча хўжалик юритувчи субъектларнинг биноларига бевосита кириш ҳамда омбордаги мавжуд захираларни хатловдан ўтказиш мақсадида ваколатли орган томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил белгиланган тартибда хабардор этилади.

12. Тахлил жараёнида нархларнинг кескин тебраниши ҳолатлари келиб чиқишининг сабабларини аниқлаш, маҳсулот ишлаб чиқарувчи (импорт қилувчи), реализация ва харид қилувчи хўжалик юритувчи субъектлар билан текширув ўтказмаган ҳолда бевосита учрашиш ва улар билан мулоқот қилиш мақсадида кўрик ўтказилади.

13. Кўрикни ўтказиш:

маҳсулотлар нархларининг кескин тебранишига таъсир этган омиллар ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар, давлат органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан ва фуқаролардан зарур тушунтиришлар олиш ва улар билан мулоқот қилиш;

маълумотларни йиғиши, хўжалик юритувчи субъектлар билан мулоқот даврида уларнинг хатти-ҳаракатларини аудио ва визуал равишда кузатиш, зарур ҳолларда фото, аудио ва/ёки видео тасвирга олиш орқали амалга оширилади.

14. Кўрик ваколатли органнинг кўрикни ўтказиш жойи, вақти ва кўрикни ўтказишга масъул ходимнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда унинг асос кўрсатилган ёзма топшириги ёки буйруфига асосан жойига чиқсан ҳолда амалга оширилади.

15. Ўтказилган кўрик натижаси бўйича маълумотнома тузилади. Маълумотномада қуидагилар кўрсатилади:

ваколатли органнинг номи;

кўрик ўтказилган жой, вақт ва сана;

кўрикни ўтказаётган ходимларнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

мулоқот қилинган хўжалик юритувчи субъектлар, давлат органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари масъул шахси ва фуқароларнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

аниқланган ҳолатлар тавсифи.

Хўжалик юритувчи субъектлар билан мулоқот даврида уларнинг хатти-ҳаракатлари аудио ва визуал равишда кузатилади, зарур ҳолларда фото, аудио ва/ёки видео тасвирга олинади, бунда материаллар маълумотномага илова қилинади.

Маълумотнома кўрикни ўтказган ходимлар, зарур ҳолларда мулоқотда бўлган шахслар томонидан имзоланади.

16. Ваколатли орган ўтказилган тахлил натижасида нархларнинг кескин тебраниши ҳолатини (белгисини) тўлиқ ва холис кўриб чиқиш учун хўжалик юритувчи субъектлар, давлат органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида ва фуқаролар орасида сўров ўтказиши мумкин.

17. Сўровда кўрсатилган маълумотлар унда белгиланган муддатда тақдим этилиши шарт.

#### **4-боб. Хўжалик юритувчи субъектларнинг биноларига бевосита кириш ҳамда омбордаги мавжуд маҳсулотлар (товарлар)нинг захираларини хатловдан ўтказиш**

18. Бозорда маҳсулотлар (товарлар)нинг сунъий тақчиллигини келтириб чиқарган аломатлар аниқланганда, ваколатли орган хўжалик юритувчи субъектларнинг биноларига бевосита кириш ҳамда омбордаги мавжуд захираларни хатловдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни белгиланган тартибда хабардор этади ва назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширув ўтказиш тўғрисидаги қонунчилик талаблари асосида хатлов ўтказади.

19. Хатлов хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини тўхтатмасдан кунлик иш режимини тўлиқ қамраб олган ҳолда, жойлашган жойидан қатъи назар, барча обьектларда хўжалик юритувчи субъект вакили иштироқида ўтказилади.

20. Хатлов жараёнида хўжалик юритувчи субъектнинг амалдаги даромадлари ва харажатларини ҳамда ҳисоботлари тўғри тўлдирилганлигини аниқлаш мақсадида тегишли соҳа мутахассислари жалб этилиши мумкин.

21. Хатлов қуйидаги тартибда амалга оширилади:

товар-моддий захираларнинг бошланғич хужжатлар асосида таннарх кўринишида тўғри кирим қилинганлигини ўрганиш;

маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сақлаш учун сарфланаётган табиий ресурслар (газ, электр энергияси, сув, ёқилғи-мойлаш материаллари) ҳажмининг маҳсулот таннархига мувофиқлигини аниқлаш;

сақланаётган маҳсулотларнинг тури ва ҳажмини аниқлаш;

сақланаётган маҳсулотларни реализация қилиш усусларини аниқлаш ва жараёнини қайд этиш;

омборда сақланаётган маҳсулотларнинг таннархи, сотиш нархи, сотилган ҳажми ҳамда қолдиқ миқдорини аниқлаш;

маҳсулотлар етказиб берилиши билан боғлиқ шартномаларни ўрганиш;

ўртacha кунлик хомашё сарфи ва маҳсулот реализациясини аниқлаш;

маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши ва захирасини шакллантириш билан боғлиқ бошқа хужжатларни ўрганиш.

22. Хатлов натижалари бўйича икки нусхада далолатнома тузилади. Бунда бир нусхаси хатлов ўтказиш обьектида қолдирилади.

#### **5-боб. Тақдимнома ва қўрсатмалар бериш**

23. Ўтказилган таҳлил, текширув ва хатлов натижасида хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома ёки қўрсатмалар берилади.

Бунда хўжалик юритувчи субъектлар, давлат органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига:

рақобат қонунчилиги талабларининг бузилиши ҳолатлари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 октябрдаги 225-сон қарорига асосан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатма;

истеъмол бозорларида нархлар барқарорлигини таъминлаш учун тезкор чора-тадбирлар амалга оширилишини назарда тутувчи бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома берилади.

Рақобат қонунчилиги талабларининг бузилиши ҳолатлари аниқланган ҳолларда, истеъмол бозорларида нархлар барқарорлигини таъминлаш учун тезкор чора-тадбирлар амалга оширилиши зарур бўлган ҳолатларда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома берилиши мумкин.

Ваколатли органнинг ваколатига кирмайдиган ҳолатлар аниқланганда, ушбу ҳолат юзасидан тўпланган ҳужжатлар кўриб чиқиш ва белгиланган тартибда таъсир чораларини кўриш учун тегишли вазирликлар ва идораларга юборилади.

24. Тақдимнома ёки кўрсатма ваколатли орган томонидан нарх барқарорлигини таъминлаш учун зарур бўлган аниқ чоралар ва ҳаракатларни кўрсатган ҳолда, шу жумладан:

устун мавқени суиистеъмол қилмаслик;

келишилган ҳаракатлар ва тил бириктиришларга йўл қўймаслик;

маҳсулотлар биржа савдоларига қўйилишини таъминлаш;

бозорлар барқарор фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилмаслик;

нархларни асосиз ва сунъий оширмаслик;

асосиз оширилган нархларни пасайтириш;

маҳсулотларнинг захирадаги мавжуд ҳажмини бозор талабидан келиб чиқиб савдога чиқариш;

ажиотаж талаб вужудга келган вақтда айрим товарларни вақтинчалик бир харидорга сотиш миқдорини белгилаш;

нархларни манипуляция қилмаслик, асосиз ва сунъий оширмаслик;

маҳсулотга бўлган танқислик ва ажиотаж талабни юзага келтиришга қаратилган ғайрихуқуқий ҳаракатларни тўхтатиш;

нарх-навони шакллантиришнинг белгиланган механизmlарига риоя этиш;

бозорлар ва савдо тармоқларига кириш бўйича сунъий тўсиқлар ва чекловларни бартараф этиш учун берилади.

25. Ваколатли орган томонидан бериладиган тақдимномада қуйидагилар кўрсатилади:

ваколатли органнинг тўлиқ номи;

тақдимнома берилган сана ва тартиб рақами;

тақдимнома берилаётган тараф номи;  
тақдимнома берилишига асос бўлган ҳолат юзасидан қисқа маълумот;  
бажарилиши лозим бўлган аниқ хатти-ҳаракатлар ва ижро муддати;  
жавобгарлик ва шикоят билдириш тартиби тўғрисида қисқа тушунтириш.

26. Тақдимнома ваколатли орган раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади ва бир иш куни ичида юборилади.

27. Тақдимнома ва кўрсатма унда кўрсатилган муддатда бажарилиши шарт.

28. Тақдимнома берилган субъект унда кўрсатилган муддатда бажарилиши керак бўлган ҳаракатларнинг бажарилганиги тўғрисида асословчи хужжатлар ва маълумотларни илова қилган ҳолда ваколатли органга ахборот киритади.

29. Ваколатли орган томонидан берилган тақдимноманинг бажарилмаслиги монополияга қарши қонунчилик талабларида назарда тутилган кўрсатма талаблари бажарилмаслигига tenglashтирилади ҳамда қонунчиликда белгиланган жавобгарлик чоралари қўлланилишига сабаб бўлади.

#### **6-боб. Кўрик ўтказишда ваколатли органнинг вазирликлар ва идоралар ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорлиги**

30. Кўрик ўтказиш жараёнига, заруратга кўра, вазирликлар ва идоралар ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимлари жалб қилиниши мумкин.

31. Ваколатли орган томонидан ходим жалб этилиши юзасидан тегишли вазирлик ва идораларга юборилган сўров кирим қилинган кундан сўнг бир кун муддатда масъул ходим ажратилиши таъминланиши лозим.

32. Кўрик ўтказиш жараёнида:

ваколатли органнинг сўровига мувофиқ Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари хўжалик юритувчи субъект жойлашган жой ва унинг ихтиёридаги омборхоналар тўғрисида зарур тезкор маълумотларни сўров тушган кундан бошлаб икки иш кунида ахборот тизими орқали тақдим этади;

ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари ваколатли орган ходимларининг обьектга тўсиқсиз киритилиши ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлашда, хўжалик юритувчи субъектнинг масъул раҳбар ва ходимлари ҳозир бўлишида, масъул ходимларнинг шахсини тасдиқловчи хужжатидан (марказлашган электрон базадан) нусха олинишида масъул ҳисобланади;

солиқ органлари хўжалик юритувчи субъект томонидан солиқ ҳисоботлари тўғри тўлдирганлиги ва улардан нусха олинишида, мавжуд захираларни хатловдан ўтказишида кўмаклашади ҳамда ўзларида мавжуд тегишли солиқ ҳисоботларини тақдим этишида масъул ҳисобланади.

### **7-боб. Якунловчи қоидалар**

33. Ушбу Низом талаблари Ўзбекистон Республикаси худудида фаолият кўрсатаётган барча юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий ҳисобланади.

34. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

35. Хўжалик юритувчи субъектлар, давлат органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ваколатли органнинг тақдимномасидан норози бўлган тақдирда, улар олинган кундан бошлаб уч кун ичida шикоят аризаси билан судга ёхуд Монополияга қарши курашиш қўмитасига мурожаат қилишга ҳақли.

Шикоят аризаси берилиши ваколатли органнинг тақдимномаси ва кўрсатмасининг амал қилишини аризани кўриб чиқиш даврида тўхтатиб туришга сабаб бўлади.

Асосий турдаги озиқ-овқат ва зарур маҳсулотлар нархларининг кескин тебраниши даврида асоссиз оширилмаслиги бўйича тизимли назорат ўрнатиш ва зарур чоралар кўриш тартиби тўғрисидаги низомга 1-илова

**Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган асосий  
турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари  
РЎЙХАТИ**

1. Буғдой ва ун
2. Қолипли нон
3. Мол гўшти
4. Парранда гўшти
5. Тухум
6. Пахта ёғи
7. Кунгабоқар ёғи
8. Гуруч
9. Шакар
10. Сут (қадоқланган)

**Изоҳ.** Уибу рўйхат саноат усулида ишилаб чиқариладиган ва импорт асосида олиб кириладиган маҳсулотларга таълуқли.

Асосий турдаги озиқ-овқат ва зарур маҳсулотлар нархларининг кескин тебраниши даврида асоссиз оширилмаслиги бўйича тизимли назорат ўрнатиш ва зарур чоралар кўриш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

**Асосий турдаги озиқ-овқат ва зарур маҳсулотлар нархларининг  
кескин тебраниши даврида ёки бозорда ажиотаж талаб  
юзага келганда нархлар асоссиз оширилмаслиги бўйича  
тизимли назорат қилиш ва зарур чоралар кўриш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг худудий бошқармалари ҳамда қўмита ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги	1. Асосий турдаги товарлар нархларининг ўзгариши динамикасини кузатиб боради. 2. Асосий турдаги товарлар нархларини барқарорлаштириш мақсадида уларнинг ишлаб чиқариш харажатларини мақбуллаштириш ҳамда келгусида нархлар кескин ошишининг олдини олиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.	Доимий равища
2-босқич	Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг худудий бошқармалари ҳамда Кўмита ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги	Нархларнинг кескин тебраниши ҳолатлари кузатилганда таҳлил ўтказади.	Ариза ва ахборотлар олинган кундан бошлаб 1 ой давомида
3-босқич	Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг худудий бошқармалари ҳамда Кўмита ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги	Таҳлил жараёнида нархларининг кескин тебраниши ҳолатлари келиб чиқишининг ҳақиқий сабабларини аниқлаш мақсадида кўрик ўтказади.	Таҳлил давомида

4-босқич	Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг худудий бошқармалари ҳамда Кўмита хузуридаги Истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги	Таҳлил мобайнида: конун бузилиши аломатлари аниқланганда текширув ўтказади; биржа савдоларига мажбурий қўйилиши керак бўлган монопол ва юқори ликвидли маҳсулотларни тўлиқ ҳажмда чиқармаслик ва таклифни қисқартирганлик, манипуляция ҳолатлари аломатлари аниқланганда, хўжалик юритувчи субъектлар омборидаги мавжуд захираларни хатловдан ўтказади.	Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва конуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор этган ҳолда 10 кун ичida
5-босқич	Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг худудий бошқармалари ҳамда Кўмита хузуридаги Истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги	Текширув ёки хатлов жараёнига мутасадди маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, вазирликлар ва идоралар ходимларини жалб қиласди.	Заруратдан келиб чиқиб қисқа муддатда
	Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, вазирликлар ва идоралар	Ходим жалб этилиши юзасидан юборилган сўровга асосан масъул ходим ажратилишини таъминлайди.	Бир кунлик муддатда
6-босқич	Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг худудий бошқармалари ҳамда Кўмита хузуридаги Истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги	Нархлар кескин тебраниши ҳолатини (белгисини) тўлиқ ва холис кўриб чиқиши учун хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар, давлат органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига сўров юборади.	Заруратдан келиб чиқиб қисқа муддатда
	Хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар, давлат органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари	Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг худудий бошқармалари ҳамда Кўмита хузуридаги Истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги сўровида кўрсатилган маълумотларни тақдим этади.	Сўровда белгиланган муддатда
7-босқич	Монополияга	Ўтказилган таҳлил, текширув ва хатлов	Камчиликларни

	<p>қарши курашиш қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда Кўмита хузуридаги Истеъмолчилар хукуқларини ҳимоя қилиш агентлиги</p>	<p>натижасида хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома ёки кўрсатмалар берилади.</p> <p>Бунда хўжалик юритувчи субъектлар, давлат органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига:</p> <p>рақобат қонунчилиги талабларининг бузилиши ҳолатлари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 октябрдаги 225-сон қарорига асосан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатма;</p> <p>истеъмол бозорларида нархлар барқарорлигини таъминлаш учун тезкор чора-тадбирлар амалга оширилишини назарда тутувчи бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома берилади.</p> <p>Рақобат қонунчилиги талабларининг бузилиши ҳолатлари аниқланган ҳолларда, истеъмол бозорларида нархлар барқарорлигини таъминлаш учун тезкор чора-тадбирлар амалга оширилиши зарур бўлган ҳолатларда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома берилиши мумкин.</p> <p>Ваколатли органнинг ваколатига кирмайдиган ҳолатлар аниқланганда, ушбу ҳолат юзасидан тўпланган ҳужжатлар кўриб чиқиш ва белгиланган тартибда таъсир чораларини кўриш учун тегишли вазирликлар ва идораларга юборилади.</p>	<p>бартараф этиш имкониятидан келиб чиқиб</p> <p>Қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган кундан бошлаб бир ой муддатда</p> <p>Таҳлил якуни бўйича</p>
	<p>Хўжалик юритувчи субъектлар, давлат органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари</p>	<p>Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда Кўмита хузуридаги Истеъмолчилар хукуқларини ҳимоя қилиш агентлигининг тақдимнома ва кўрсатмаси ижросини таъминлайди.</p>	<p>Тақдимнома ва кўрсатмада белгиланган муддатда</p>

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “19” декабрдаги 716-сон қарорига  
2-илова

**Инсон саломатлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки учун  
хавфлилиги ва сифатсизлиги аниқланган товарларни ишлаб чиқариш,  
республика худудига импорт қилиш, реализация қилишни тұхтатиши,  
муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан мажбурий равища  
қайтариб олиш түғрисида ишлаб чиқарувчи ва сотувчиларга  
күрсатмалар бериш тартиби ҳақида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Монополияга қарши курашиш құмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги томонидан (кейинги ўринларда – Агентлик) товар (иш, хизмат)ларнинг:

назорат хариdi доирасида экспертиза қилиш ёки аккредитациядан ўтган синов лабораторияларида тестдан ўтказиш натижасида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга номувофиқлиги аниқланган;

сақлаш қоидаларига риоя этилмасдан савдога чиқарилғанлиги натижасида сифати ўзгарғанлиги тасдиқланган;

истеъмол қилиниши, фойдаланилиши натижасида истеъмолчиларнинг соғлиғи, мол-мулкига зарар етказилғанлиги аниқланган ёки зарар етказиш хавfi туғилған ҳолларда уларни республика худудига импорт қилиш, реализация қилинишини тұхтатиши, муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан мажбурий равища қайтариб олиш бүйіча ишлаб чиқарувчиларга ва сотувчиларга күрсатма бериш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий түшунчалар күлланилади:

**товар әгаси (ишлаб чиқарувчи, сотувчи ва импорт қилувчи)** – республика худудида товарни муомалага киритган ва ушбу товарга нисбатан тасарруф этиш ёки әгалик қилиш хуқуқыга эга юридик ва жисмоний шахс;

**товарларни реализация қилишни тұхтатиши** – хавфлилиги ва сифатсизлиги аниқланган товарларни уларнинг әгаси томонидан мустақил равища өки Агентликнинг талабига биноан улгуржи ёки чакана сотишини тұхтатиши;

**товарларни истеъмолчилардан мажбурий равища қайтариб олиш** – хавфлилиги ва сифатсизлиги аниқланган товарларни йўқ қилиш (утилизация), шунингдек, ушбу товарлар оқибатида истеъмолчиларга салбий таъсирни истисно қилиши лозим бўлган ҳаракатлар;

**хавфли ва сифатсиз товарлар** – техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар талабларига номувофиқ деб топилған товарлар;

**сақлаш қоидалари** – сақлаш шароитларига нисбатан норматив-хужуқий хужжатларда, шунингдек, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларда мажбурий талаблар белгиланган товарни сақлаш шартлари;

**зарар етказиш** – истеъмол қилиш, фойдаланиш натижасида истеъмолчиларнинг соғлиги ёки мол-мулкига зарар етказиш ёки зарар етказиш хавфи.

3. Инсон саломатлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки учун хавфлилиги ва сифатсизлиги аниқланган товарларни ишлаб чиқариш, республика ҳудудига импорт қилиш, реализация қилишни тўхтатиш, муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан мажбурий равишда қайтариб олиш тўғрисида ишлаб чиқарувчи ва сотувчиларга кўрсатмалар ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ берилади.

## **2-боб. Товарларнинг хавфлилиги ва сифатсизлигини аниқлаш**

4. Товарларнинг хавфлилиги ва сифатсизлиги:

Агентлик томонидан назорат хариди тадбирларини ўтказиш;

оммавий ахборот воситаларидан тушган, ижтимоий тармоқлардаги маълумотлар ҳамда белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида жамоатчилик фикрини ўрганиш натижалари;

жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, давлат органлари ва ташкилотлардан тушадиган ахборотлар ва мурожаатлар асосида аниқланади.

5. Товарларни хавфли ёки сифатсиз деб топиш қонунчилик хужжатларига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлишини ва уларнинг сифатини назорат қилувчи давлат органлари томонидан, шунингдек, товарларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларга номувофиқлиги ёки нуқсони яққол кўриниб турганлиги аён бўлган ҳолатларда Агентлик ва/ёки унинг ҳудудий органлари томонидан амалга оширилади.

6. Товарларни хавфли ёки сифатсиз деб топиш ҳақида Агентлик ёки унинг ҳудудий органлари ходими томонидан далолатнома расмийлаштирилади.

## **3-боб. Товарларни ишлаб чиқариш, республика ҳудудига импорт қилиш, реализация қилишни тўхтатиш, муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан мажбурий равишда қайтариб олиш тартиби**

7. Товарнинг хавфлилиги ёки сифатсизлиги аниқланган тақдирда, Агентлик ва/ёки унинг ҳудудий органлари томонидан товар эгасига ушбу товарни ишлаб чиқариш, республика ҳудудига импорт қилиш, реализация қилишни тўхтатиш, муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан мажбурий равишда қайтариб олиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатма берилади.

Бунда кўрсатма бериш ва унинг ижросини назорат қилиш, хукуқбузарга нисбатан иш қўзғатмаган ҳолда амалга оширилади ва Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 октябрдаги 225-сон қарори билан тасдиқланган Рақобат, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун иш қўзғатиш ва уларни кўриб чиқиши тартиби тўғрисидаги низом талаблари қўлланилмайди.

Агентлик ва (ёки) унинг худудий органлари томонидан истеъмолчилар хукуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги мувофиқлаштирувчи орган сифатида товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлишини ва уларнинг сифатини назорат қилувчи давлат бошқаруви органларига хавфлилиги ва сифатсизлиги аниқланган товарларни ишлаб чиқариш, республика худудига импорт қилиш, реализация қилишни тўхтатиш, муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан мажбурий равишда қайтариб олиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатма берилиши мумкин.

8. Кўрсатмада қўйидаги маълумотлар акс эттирилиши шарт:

кўрсатма берилаётган ташкилот номи;  
товар номи ва ўзига хос хусусиятлари;  
кўрсатмани бажариш муддати;  
кўрсатмани тузиш учун асос бўлган далолатномага ҳавола.

9. Кўрсатма хукуқбузарликка йўл қўйган товар эгасига шахсан етказилади ёки почта орқали юборилганда қабул қилган кунда олган ҳисобланади.

10. Хавфлилиги ёки сифатсизлиги аниқланган товар эгаси кўрсатмани олган кундан бошлаб:

ўша куннинг ўзида кўрсатмада келтирилган товарни республика худудига импорт қилиш, ишлаб чиқариш ва реализация қилишни тўхтатиш чораларини кўради;

уч кун муддатда кўрсатмада келтирилган товарни истеъмол қилишни зудлик билан тўхтатиш, унинг келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатлари ва эътиrozлар мавжуд бўлганда, мурожаат қилиш учун уларни қабул қилиш жойи, вақти ва тартиби ҳақида истеъмолчилар эътиборига оммавий ахборот воситалари орқали хабар жойлаштиради;

бир ой муддатда кўрсатмада келтирилган товарни муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан мажбурий равишда қайтариб олишни таъминлайди ҳамда кўрсатмани ижро қилиш натижалари ҳақида асословчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда кўрсатма берган органга ёзма равишда ахборот киритади.

11. Кўрсатмани қабул қилувчи асосли сабабларни келтирган ҳолда уни бажариш муддатини бир ойга узайтириш ҳақида илтимоснома киритиши мумкин, бироқ бу илтимоснома товарнинг истеъмол муомаласида туришига рухсат бермайди.

12. Хавфлилиги ва сифатсизлиги аниқланган товарлар уларнинг эгаси ҳисобидан белгиланган тартибда ваколатли давлат органлари ҳамда жамоатчилик назорати вакиллари иштирокида йўқ қилинади.

13. Кўрсатманинг ижро этилиши ҳақидаги ёзма ахборотда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши шарт:

реализация қилинган товарларнинг улгуржи ва чакана савдо объектларидан қайтариб олинган санаси, объект номи, ҳажми, суммаси;

истеъмолчилардан товар тўғридан-тўғри қайтариб олинган сана, ҳажми, суммаси, шунингдек, улар билан қайта ҳисоб-китоб қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхалари;

истеъмолчиларни аниқлаш имкони бўлмаган товарлар ҳажми ва суммаси.

#### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

14. Кўрсатмани бажармаслик, лозим даражада бажармаслик ёки унинг бажарилганлиги ҳақида ёлғон маълумотларни тақдим этганлик белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

15. Хавфлилиги ва сифатсизлиги аниқланган товарларни ишлаб чиқариш, республика ҳудудига импорт қилиш, реализация қилишни тўхтатиш, муомаладан чиқариш натижалари, ушбу ишларни амалга ошириш давомида тўпланган фото ва видеоматериаллар Агентлик расмий веб-сайтида ҳамда оммавий ахборот воситаларида жойлаштирилиши мумкин.

16. Хавфлилиги ва сифатсизлиги аниқланган товарларни ишлаб чиқариш, республика ҳудудига импорт қилиш, реализация қилишни тўхтатиш, муомаладан чиқариш бўйича тўпланган ҳужжатлар Агентлик ва/ёки унинг ҳудудий органларида беш йил сақланади.

17. Агентлик хавфлилиги ва сифатсизлиги аниқланган товарлар ҳамда товар эгаларининг электрон рўйхатини юритади ҳамда ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштиради.

18. Давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ушбу Низомга мувофиқ Агентликка юкланган вазифаларни бажаришда, жумладан, барча зарур ҳужжатларни олиш ва тегишли хатти-ҳаракатларни амалга оширишда ўз ваколатлари доирасида амалий ёрдам кўрсатади.

Инсон саломатлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки учун хавфлилиги ва сифатсизлиги аниқланган товарларни ишлаб чиқариш, республика худудига импорт қилиш, реализация қилишни тўхтатиш, муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан мажбурий равишида қайтариб олиш тўғрисида ишлаб чиқарувчи ва сотувчиларга кўрсатмалар бериш тартиби ҳакидаги низомта  
**ИЛОВА**

**Инсон саломатлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки учун хавфлилиги ва сифатсизлиги аниқланган товарларни ишлаб чиқариш, республика худудига импорт қилиш, реализация қилишни тўхтатиш, муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан мажбурий равишида қайтариб олиш тўғрисида ишлаб чиқарувчи ва сотувчиларга кўрсатмалар бериш**  
**СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Истеъмолчилар хукуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ва унинг худудий органлари	Товарлар (ишлар, хизматлар) хавфлилиги ва сифатсизлиги ҳақидаги ахборот асосларини аниқлаш (шакллантириш).	Мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича қонунчиликда белгиланган муддатда
2-босқич	Назорат қилувчи давлат органлари, Истеъмолчилар хукуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ва унинг худудий органлари	1. Товарлар (ишлар, хизматлар)ни хавфли ёки сифатсиз деб топиш. Бунда: конунчилик ҳужжатларига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсиз бўлишини ва уларнинг сифатини назорат қилувчи давлат органлари томонидан; товарларнинг номувофиқлиги ёки нуқсони кўриниб турганлиги аён бўлган ҳолатларда Истеъмолчилар хукуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ва унинг худудий органлари томонидан амалга оширилади. 2. Товарларни хавфли ёки сифатсиз деб топиш ҳақида далолатнома расмийлаштиради.	Товарлар турига қараб техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган муддатда  1 кун муддатда
3-босқич	Истеъмолчилар хукуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ва унинг худудий органлари, ваколатли органлар	Товарнинг хавфлилиги ёки сифатсизлиги аниқланган тақдирда, унинг эгасига ушбу товарни ишлаб чиқариш, республика худудига импорт қилиш реализация қилишни тўхтатиш, муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан мажбурий равишида қайтариб олиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатма беради.	2 кун муддатда

4-босқич	Товар эгаси	<p>Хавфлилиги ёки сифатсизлиги аниқланган товар эгаси кўрсатмани олган кундан бошлаб ўша куннинг ўзида кўрсатмада келтирилган товарни республика худудига импорт қилиш, ишлаб чиқариш ва реализация қилишини тўхтатиш чораларини кўради.</p>	Кўрсатмани олган кунда
5-босқич	Товар эгаси	<p>Кўрсатмада келтирилган товарни истеъмол қилишни зудлик билан тўхтатиш, унинг келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатлари ва эътиrozлар мавжуд бўлганда мурожаат қилиш учун уларни қабул қилиш жойи, вақти ва тартиби ҳақида истеъмолчилар эътиборига оммавий ахборот воситалари орқали хабар жойлаштиради.</p>	Кўрсатмани олгандан сўнг 3 кун муддатда
6-босқич	Товар эгаси	<p>1. Кўрсатмада келтирилган товарни муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан мажбурий равища қайтариб олишни таъминлайди. 2. Кўрсатмани ижро қилиш натижалари ҳақида асословчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда кўрсатма берган органга ёзма равища ахборот киритади.</p>	Кўрсатмани олгандан сўнг 1 ой муддатда
7-босқич	Товар эгаси, ваколатли давлат органлари, жамоатчилик назорати вакиллари	<p>Хавфлилиги ва сифатсизлиги аниқланган товарлар уларнинг эгаси ҳисобидан белгиланган тартибда ваколатли давлат органлари ҳамда жамоатчилик назорати вакиллари иштирокида йўқ қилинади.</p>	Товарлар турига қараб техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган муддатда
8-босқич	Истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги	<p>Хавфлилиги ва сифатсизлиги аниқланган товарлар ҳамда товар эгаларининг электрон рўйхатини юритади ҳамда ўзининг расмий веб-сайтида жойлаштиради.</p>	Аниқланган куннинг ўзида

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “19” декабрдаги 716-сон қарорига  
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг  
айрим қарорлариға киритилаётган  
ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 майдаги 402-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси тўғрисидаги низомда:

а) 16-бандда:

куйидаги мазмундаги ўн олтинчи – йигирма учинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг кескин тебраниши даврида:

устун мавқени суиистеъмол қилиш, келишиб қилинган харакатлар ва тил бириктиришлар, шунингдек, биржа савдоларига мажбурий қўйилиши керак бўлган монопол ва юқори ликвидли маҳсулотларни тўлиқ ҳажмда чиқармаслик ва таклифни қисқартирганлик, манипуляциялар, товар ёки молия бозорининг барқарор фаолият кўрсатишига тўсқинлик қилиш аломатлари аниқланганда, охирги календарь йилдаги товарлар (хизматлар)ни сотишдан тушган тушумдан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва юридик шахслар бирлашмалариға ижро этилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритиш;

нархларнинг асоссиз ўсиши, келишиб қилинадиган харакатлар ва тил бириктириш ҳолатларини аниқлаш учун Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор этган ҳолда, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларнинг биноларига бевосита кириш ҳамда омбордаги мавжуд захираларни хатловдан ўтказиш;

мазкур банднинг ўн саккизинчи хатбошисида назарда тутилган тартибда ўтказилган хатловда аниқланган озиқ-овқат маҳсулотларининг ортиқча ҳажмини савдога чиқариш, асоссиз оширилган нархларни пасайтириш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома ва кўрсатмалар киритиш;

истеъмол товарлари савдосига ихтисослашган савдо комплекслари, тармоқлари ва бозорларда:

асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархларини манипуляция қилиш, асоссиз ва сунъий ошириш, уларга бўлган танқислик ва ажиотаж талабни юзага келтиришга қаратилган харакатларни;

асосий озиқ-овқат маҳсулотларига нарх-навони шакллантиришнинг белгиланган механизмларига риоя этилишини;

бозорлар ва савдо тармоқларига кириш бўйича сунъий тўсиқлар ва чекловларни аниқлаш (ўрганиш) ва уларни бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритиш”;

ўн олтинчи – йигирма тўққизинчи хатбошилар тегишлича йигирма тўртинчи – ўттиз еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 23-бандда:

кўйидаги мазмундаги ўн иккинчи – ўн тўққизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг кескин тебраниши даврида:

устун мавқени суиистеъмол қилиш, келишиб қилинган ҳаракатлар ва тил бириктиришлар, шунингдек, биржа савдоларига мажбурий қўйилиши керак бўлган монопол ва юқори ликвидли маҳсулотларни тўлиқ ҳажмда чиқармаслик ва таклифни қисқартирганлик, манипуляциялар, товар ёки молия бозорининг барқарор фаолият кўрсатишига тўқсинглик қилиш аломатлари аниқланганда, охирги календарь йилдаги товарлар (хизматлар)ни сотишдан тушган тушумидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлар ва юридик шахслар бирлашмаларига ижро этилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритиш;

нархларнинг асоссиз ўсиши, келишиб қилинадиган ҳаракатлар ва тил бириктириш ҳолатларини аниқлаш учун Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор этган ҳолда ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларнинг биноларига бевосита кириш ҳамда омбордаги мавжуд захираларни хатловдан ўtkазиш;

мазкур кичик банднинг учинчи хатбошисида назарда тутилган тартибда ўтказилган хатловда аниқланган озиқ-овқат маҳсулотларининг ортиқча ҳажмини савдога чиқариш, асоссиз оширилган нархларни пасайтириш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома ва кўрсатмалар киритиш;

истеъмол товарлари савдосига ихтисослашган савдо комплекслари, тармоқлари ва бозорларда:

асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархларини манипуляция қилиш, асоссиз ва сунъий ошириш, уларга бўлган танқислик ва ажиотаж талабни юзага келтиришга қаратилган ҳаракатларни;

асосий озиқ-овқат маҳсулотларига нарх-навони шакллантиришнинг белгиланган механизмларига риоя этилишини;

бозорлар ва савдо тармоқларига кириш бўйича сунъий тўсиқлар ва чекловларни аниқлаш (ўрганиш) ва уларни бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритиш”;

ўн иккинчи – йигирма учинчи хатбошилар тегишлича йигирманчи – ўттиз биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

в) 25-бандда:

куйидаги мазмундаги саккизинчи – ўн олтинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг кескин тебраниши даврида:

устун мавқени суиистеъмол қилиш, келишиб қилинган ҳаракатлар ва тил бириктиришлар, шунингдек, биржа савдоларига мажбурий қўйилиши керак бўлган монопол ва юқори ликвидли маҳсулотларни тўлиқ ҳажмда чиқармаслик ва таклифни қисқартирганлик, манипуляциялар, товар ёки молия бозорининг барқарор фаолият кўрсатишига тўскинлик қилиш аломатлари аниқланганда, охирги календарь йилдаги товарлар (хизматлар)ни сотищдан тушган тушумидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва юридик шахслар бирлашмаларига ижро этилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритиш;

нархларнинг асоссиз ўсиши, келишиб қилинадиган ҳаракатлар ва тил бириктириш ҳолатларини аниқлаш учун Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор этган ҳолда ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектларнинг биноларига бевосита кириш ҳамда омбордаги мавжуд захираларни хатловдан ўтказиш;

мазкур кичик банднинг учинчи хатбошисида назарда тутилган тартибда ўтказилган хатловда аниқланган озиқ-овқат маҳсулотларининг ортиқча ҳажмини савдога чиқариш, асоссиз оширилган нархларни пасайтириш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома ва кўрсатмалар киритиш;

истеъмол товарлари савдосига ихтисослашган савдо комплекслари, тармоқлари ва бозорларда:

асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархларини манипуляция қилиш, асоссиз ва сунъий ошириш, уларга бўлган танқислик ва ажиотаж талабни юзага келтиришга қаратилган ҳаракатларни;

асосий озиқ-овқат маҳсулотларига нарх-навони шакллантиришнинг белгиланган механизmlарига риоя этилишини;

бозорлар ва савдо тармоқларига кириш бўйича сунъий тўсиқлар ва чекловларни аниқлаш (ўрганиш) ва уларни бартараф этиш бўйича бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритиш”;

саккизинчи – тўққизинчи хатбошилар тегишлича ўн еттинчи – ўн саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансан;

қўйидаги мазмундаги ўн тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“инсон саломатлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки учун хавфлилиги ва сифатсизлиги аниқланган товарларни ишлаб чиқариш, республика ҳудудига импорт қилиш, реализация қилишни тўхтатиш, муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан мажбурий равишда қайтариб олиш тўғрисида ишлаб чиқарувчи ва сотувчиларга кўрсатмалар киритиш”;

ўнинчи хатбоши тегишлича йигирманчи хатбоши деб ҳисоблансан;

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 декабрдаги 1015-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш кўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар хукуқларини ҳимоя қилиш агентлиги тўғрисидаги низомда:

а) 11-банднинг “ё” кичик бандида:

ўн учинчи хатбоши чиқариб ташлансан;

ўн тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ташқи реклама ва ахборот обьектларини (конструкцияларини) ўрнатиш чизмаси ва унга киритиладиган ўзгартиришларни олдиндан келишиб беради”;

қўйидаги мазмундаги ўн олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“реклама жойининг паспорти мавжуд бўлмаган ер участкаларига, биноларга ҳамда иншоотларга ўрнатилган ташқи реклама ва ахборот обьектларини (конструкцияларини) демонтаж қилиш тўғрисида қарор қабул қиласи”;

б) 12-банд қўйидаги мазмундаги “10<sup>1</sup>” кичик банд билан тўлдирилсин:

“10<sup>1</sup>) инсон саломатлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки учун хавфлилиги ва сифатсизлиги аниқланган товарларни ишлаб чиқариш, республика ҳудудига импорт қилиш, реализация қилишни тўхтатиш, муомаладан чиқариш ва истеъмолчилардан мажбурий равишда қайтариб олиш тўғрисида ишлаб чиқарувчи ва сотувчиларга кўрсатмалар киритиш”.

**3.** Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 февралдаги 86-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомда:

а) 12-иловада:

6-позициядаги “битим тарафларининг охирги календарь йилда товарларни реализация қилишдан олинган тушумининг (тушум мавжуд бўлмаган тақдирда – активлар баланс қийматининг) 0,05 фоизи, лекин базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан кам бўлмаган ва минг бараваридан кўп бўлмаган миқдорда” сўzlари “базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари” сўzlари билан алмаштирилсин;

7-позициядаги “Йигим ундирилмайды” сўзлари “битим тарафларининг охирги календарь йилда товарларни реализация қилишдан олинган тушумининг (тушум мавжуд бўлмаган тақдирда — активлар баланс қийматининг) 0,05 фоизи, лекин базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан кам бўлмаган ва минг бараваридан кўп бўлмаган миқдорда. Бунда йигим миқдорини аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан белгиланади” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 13-иловада:

6-позициядаги “битим тарафларининг охирги календарь йилда товарларни реализация қилишдан олинган тушумининг (тушум мавжуд бўлмаган тақдирда — активлар баланс қийматининг) 0,05 фоизи, лекин базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан кам бўлмаган ва минг бараваридан кўп бўлмаган миқдорда” сўзлари “базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари” сўзлари билан алмаштирилсин;

7-позициядаги “Йигим ундирилмайды” сўзлари “битим тарафларининг охирги календарь йилда товарларни реализация қилишдан олинган тушумининг (тушум мавжуд бўлмаган тақдирда — активлар баланс қийматининг) 0,05 фоизи, лекин базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан кам бўлмаган ва минг бараваридан кўп бўлмаган миқдорда. Бунда йигим миқдорини аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан белгиланади” сўзлари билан алмаштирилсин.

